

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЖАМАЛОВ ЎТКИР ИЛХОМОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОТИВАЦИЯ**  
**ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Science**

**Джамалов Ўткир Илхомович**

Тадбиркорликни ривожлантиришда мотивация омилларидан  
фойдаланишни такомиллаштириш ..... 3

**Джамалов Уткир Илхамович**

Усовершенствования использования мотивационных факторов в развитие  
предпринимательства ..... 25

**Djamalov Utkir Ikhamovich**

Improving the use of motivational factors in the development of  
entrepreneurship ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ДЖАМАЛОВ ЎТКИР ИЛХОМОВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОТИВАЦИЯ**  
**ОМИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD / Iqt 849 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нодира Илхамовна Саидахмедова**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор в.б.

**Расмий оппонентлар:**

**Дилфуза Нигматовна Рахимова**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ойбек Абдуллаевич Арипов**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» апрел куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +998 (71)239-01-49 факс: +998 (71)239-41-23 e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1126 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +998 (71)239-28-75 факс: (+998 (71)239-28-75; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «14» 04 куни тарқатилди.  
(2022 йил «14» 04 даги 11 рақамли реестр баённомаси).



**М.П.Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Д.М.Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д.

**Ш.Дж.Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 55-67 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткич АКШда 52-55 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни, Японияда 52-57 фоизни ташкил этади. «Ғарбий Европа мамлакатларида хусусий секторда фаолият юритаётган 17,1 млн. корхоналарнинг 99,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига умумий саноат ҳажмининг 50 фоизи, хизматлар соҳасининг 67 фоизи, қурилиш ва савдонинг деярли 90 фоизи тўғри келиб, 70 фоиздан ортиқ иш жойлари кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари ҳисобига таъминламоқда»<sup>1</sup>. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатларда ривожлантириш барқарор иқтисодий юксалишнинг ажралмас бўғинига айланган. Шу жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотларидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда.

Жаҳондаги халқаро бизнесга кириш ташкилоти (Doing Business), Ўрта Осиёда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш лойиҳаси (USAID) ҳамда Жаҳон банки бизнес гуруҳлари (The World Bank Group) тадқиқотларига кўра, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда мотивацион омиллар таъсирини кучайтириш давлатларнинг иқтисодий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Шу боис, жаҳон илм фанида кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳамда ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар, хусусан, «Инновацион иқтисодиёт тадбиркорлик мотивацияларини тадбиркорлар психологиясига таъсири тахлили» (School of Economics and Management), «Европа Иттифоқи давлатларининг иқтисодий ривожланишида инновацион тадбиркорликнинг ривожлантиришни ўрни» (Journal of Entrepreneurship, Management And Innovation), «Ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорлар учун мотивацион омиллар ва тўсиқлар» (Economic Research-Ekonomska Istraživanja) каби уствор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривож, камбағаллик даражасини пасайтириш учун ижтимоий, молиявий иқтисодий шарт-шароит яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат

<sup>1</sup> [https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition\\_en](https://ec.europa.eu/growth/smes/sme-definition_en)

органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим»<sup>2</sup>. Мазкур вазифалар ижросида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишини таҳлил қилиш, унга таъсир қилувчи мотивацион омиллар таъсирини оширишда, замонавий талаблар асосида ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар қамровини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон «Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 504-сон «Худудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 31 августдаги 554-сон Европа инвестиция банки иштирокида «Ўзбекистонда глобал коронавирус пандемияси даврида зарар кўрган тадбиркорлик субъектларини фавқулодда қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, уни мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ва бошқариш масалалари борасида кўплаб хорижлик олимларнинг ишларида ёритилган. Булар қаторига К.Маркс, Д.Рикардо, А.Смит, Ж.Кейнс, Фон Дер Липпе, Дж.Роулс, У.Петти, О.В.Воронкова, А.Тюрго, Р.С.Ронштадт, Й.Шумпетер, Д.О.Грубенкова, Р.Кантилсон, Т.Веблен<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг ишларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 25.01.2020/<https://uza.uz/oz/politics>.

<sup>3</sup> Рикардо Д. Классика экономической мысли. – М.: 2000. – 896 с, Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1.– М.: Ось, 1977. – 480 с.; Кейнс Ж. Общая теория занятости, процента и

МДХ мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб борган олимлардан А. Д. Шеремета, А. О. Блинов, Б. М. Широков, Д. Никологородский, М. Г. Лапуста, А. Г. Порселев, Ю. Л. Старостин, Л. Г. Скамай, Р. Грифман, М. Пастей, К. П. Янковский, Ю. Б. Рудина<sup>4</sup> ва бошқаларнинг ишларида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш муаммолари, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш жараёнини ўрганиш бўйича С.С.Ғуломов, М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Н.Самадов, Ш.Отажонов, Х.Хамроев, Э.Эгамбердиев, Х.Д.Хўжакулов ва бошқа иқтисодчи олимлар кўпгина илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини статистик моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан Н.Соатов, Т.Шодиев, Р.Алимов, Қ.Абдурахмонов, Ё.Абдуллаев, Б.Ғойибназаров, А.Ваҳобов, Ҳ.Шодиев, Г.Саидова, С.Салаев, Ш.Холмўминов, Н.Шоюсупова, М.Ҳакимова, Х.Набиев, Б.Беркинов, Б.Юсупов, О.Рихсимбоев, А.Аюбжонов<sup>5</sup> ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

---

денег. – М.: Экономика, 1948. – С. 238-241; Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Германия, Штутгарт, 1995. – 650 с.; Роулс Дж. Идея блага и приорет права. М.:, 1998. – 243 с. Петти У. Экономические и статистические работы. – М.:, 1940 г. 156 с. О.В.Воронкова. Current Trends in the Development of Small and Medium-Sized Enterprises and Individual Entrepreneurship in the Russian Federatio.макола revistaespacios 11.05.2018 Тюрго А Избранные экономические произведения – М., 1961-с 17; Й.Шумпетер Теория экономического развития – М. «Эксмо», 2007 Грубенкова Д.О. Предпринимательство в теориях р. Кантильона, Маркса, Веблена и Шумпетера: сравнительный анализ // Международный студенческий научный вестник. – 2016

<sup>4</sup> А.Д.Шеремет. Малое предпринимательство: организация, экономика, управление. М.: Изд. “Инфра-М” 2009.-479 стр; А.О.Блинов. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. М.: “Ось-89” 1997.-336 стр; Б.М.Широков. Малые бизнес. М.: 2006.-495 стр; Д.Никологородский. Изменение форм собственности и структуры промышленных предприятий.// Ж. Вопросы экономики. 1997,-№9. 23-35 стр; М.Г.Лапуста, А.Г.Порселев, Ю.Л.Старостин, Л.Г.Скамай. Предпринимательство. М.: Изд. “Инфра-М” 2003.-534 стр; Р.Грифман, М.Пастей. Международный бизнес. Питер. 2006.-186 стр; К.П.Янковский. Введение в инновационное предпринимательства. – СПб.: Питер, 2004. –С.189; Ю.Б.Рудина. Основы бизнеса. М.: 2003.-777 стр.

<sup>5</sup> Ғуломов С.С Тадбиркорлик ва кичик бизнес – Т.: Шарқ, 2002; Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик–Т.: Иқтисодиёт, 2012; Хамроев Х. Тадбиркорлик асослари – Т.: Янги нашр, 2010; Эгамбердиев Т.Э., Ҳ.Хўжакулов Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: Маънавият, 2003; Соатов Н.М. Статистика /Дарслик–Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2005. – 126 б; Абдурахмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш /Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.-159 б; Абдуллаев Ё. Макроиктисодий статистика 100 саволга 100 жавоб – Т.: Мехнат,1998. – 382б; Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар.-Т.: Шарқ, 2003.-319 б; Шодиев Ҳ., Хамроев М. Молия статистикаси / Дарслик – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002. – 236 б; Саидова Г ва бошқ. Социальная политика правительства Узбекистана в переходном периоде: достижение и проблемы //Экономическое обозрение, 1998, №1. – 15 с; Беркинов Б.Б.Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография – Т.: Fan va texnologiya, 2019; С.К.Салаев Кичик бизнес ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. Диссертация, – Т., 2008-324 б.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Диссертация, – Т., 2017. – 138-б. Файзуллаев Н.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Диссертация. – Т., 2018.; Юсупов Б.А. «Ўзбекистонда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш», Диссертация, – Т., 2020. – 148 б.; Машарипова М.А. Хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини

Соҳа олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар аҳамиятга молик илмий ва услубий манба бўлсада, ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида ривожлантириш ҳамда мотивациявий омиллар таъсирини кучайтириш услубиётини бошқарув фаолиятига кенг тадбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот иши мавзуси ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда долзарб мавзу сифатида эътироф этилган ва танлашга асос бўлган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Жиззах политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 05А.01-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида мотивация усулларида фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда ва самарали бошқарувида мотивациявий омиллар таъсирини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тадқиқ этиш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари ва унинг аҳамиятини асослаш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уни бошқарув тизимидаги “мотивация” ва “мотивацион омиллар” тушунчаларининг моҳиятини очиқ бериш;

тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ривожланиши, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш йўллари асослаб бериш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молия-хўжалик ва иқтисодий-бошқарув фаолиятидаги рискларни таҳлил қилиш ҳамда унга таъсир этувчи омилларни пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантириш ва кучайтиришда бошқарув муассасалари таъсирини пасайтириш йўллари кўрсатиш;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантириш ва уни бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш;

---

такимллаштириш. Диссертация. – Т., 2020.; Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари. Диссертация., – Т., 2019.; Тўйчиев А.Ғ. Кичик бизнесга инновациялар трансферини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. Диссертация. – Т., 2020.; Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш. Диссертация., – Т., 2020.

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий мотивацион омилларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти, шунингдек, Жиззах вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивация омиллари таъсири ва унинг бошқарув механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган молиявий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида тизимли ва омилли таҳлил, таққослама ва таркибий таҳлил, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қайтариш ҳамда давлат мулкани ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз бериш таклиф этилган;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроолларини харид қилиш учун субсидия ажратиш таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларига уч йилдан ортиқ вақтдан буён ҳисобланган солиқлар ва божхона тўловларини муддатида тўлаб келган, молиявий аҳволига қўра солиқ ва бож тўловларини тўлаш имкониятига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ишсиз ёшларни ишга қабул қилиш, ўзини ўзи банд қилганлар ҳамда солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи маҳсулот ҳажмини 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг молия-хўжалик ва иқтисодий-бошқарув фаолиятидаги рисклар таҳлил қилиниб, унга таъсир этувчи омилларни пасайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар асосида ривожлантириш услугиётини кучайтиришда бошқарув муассасалари таъсирини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантириш ва уни бошқаришга кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий мотивацион омилларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги ҳамда илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган сўровномаларнинг кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, унга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаларини ривожлантиришга оид илмий-услубий таклиф ва тавсиялар, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, Ўзбекистонда миллий тадбиркорлик тизимини шакллантириш асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда ўқув адабиётлар, жумладан олий ўқув юртларида “Тадбиркорлик асослари”, “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришда мотивация омилларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қайтариш ҳамда давлат мулкни ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208 “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида киритилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида, тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилиш 18,4 фоизга ошган ва 1200 дан ошиқ ёшлар «Ёшлар дафтари»дан чиқарилган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроолларини харид қилиш учун субсидия ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг

2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208 “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига киритилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Натижада, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ва ўзини ўзи банд қилганларга зарур асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан 968,0 млн. сўм субсидия ажратилган.

тадбиркорлик субъектларига уч йилдан ортиқ вақтдан буён ҳисобланган солиқлар ва божхона тўловларини муддатида тўлаб келган, молиявий аҳволига кўра солиқ ва бож тўловларини тўлаш имкониятига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087 “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га қарорига киритилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Натижада, пандемия даврида тадбиркорлик субъектлари томонидан 348,1 млрд. сўмлик солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган.

ишсиз ёшларни ишга қабул қилиш, ўзини ўзи банд қилганлар ҳамда солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат беришда тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 2025 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлиги ҳузуридаги тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлигининг 2021 йил 28 июндаги 02/06-01-10/184-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2025 йилда 41,2 фоизга ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола шу жумладан 2 та республика ва 2 та нуфузли хорижий журналларда, шунингдек илмий амалий конференция тўпламларида 13 та маъруза тезиси чоп этилган.

**Диссертацининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми **155** бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти, предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишининг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадбиркорлик фаолиятини мотивацион омиллар таъсирида ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллар таъсири ва уни баҳолаш услубиёти илмий тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик тузилмаларини яратиш ва ривожлантириш - мотивацион механизмларнинг таъсири билан боғлиқ. Тадбиркорликнинг мотивацион механизми остида биз қиймат занжирларининг устуворлигини ва тадбиркорларнинг товар/маҳсулот/хизматга қўшимча қиймат бериш ва мижозлар эҳтиёжини қондириш орқали ўз фаолиятининг максимал иқтисодий ва ижтимоий натижаларига эришишда қизиқиш даражасини белгилайдиган жараёнлар мажмуини тушунамиз. Бунинг учун тадбиркорларни рағбатлантиришнинг кенг қамровли механизмини шакллантириш керак. Бунда унинг элементлари оқилона яхлитлигига эга бўлиши керак. Мотивацион механизмнинг барча элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, элементлардан бирининг ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари, мотивацион механизмнинг элементлари бошқа ҳаётийлик циклининг давомийлигига эга бўлиши керак.

Тадбиркорликнинг мотивацион механизмга қуйидагилар таъсир қилади: ижтимоий-демографик, касбий малака, психологик, ишбилармонлик, материалнинг қиймат занжирларини шакллантиришда (“молиявий мустақиллик учун имкониятларни излаш” ва “моддий фаровонликка интилиш”) ва ижтимоий (ўзини ўзи англаш; тадбиркорлик фаолияти жараёнида касбий ўсиш; бизнес келажагига ишонч; жамоат атрибути; кучга эга бўлиш; хайрия фаолияти) йўналтириш.

Тадбиркорлик фаолиятининг устуворлиги аниқлангандан сўнг, моддий ва ижтимоий йўналишнинг мақбул бирикишига эришиш учун қиймат занжирларининг муҳимлилик даражасини баҳолаш (тадбиркорнинг қиймат йўналишлари мувозанатини излаш) амалга оширилади (1-расм).



**1-расм. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида мотивацион механизм таъсири остида қадрият йўналишларининг ўзгариш схемаси<sup>6</sup>**

Мотивацион механизмнинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни ажратиш таклиф этилади: ички куч, ички жараён, ташқи шароитлар тизими, хулқ-атворга таъсир, эҳтиёжларнинг таъсири, қизиқиш, мақсадларни онгли танлаш, мақсадларга эришиш учун йўналтириш,

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

ҳаракатга интилиш, фаолиятга туртки бериш жараёни, меҳнат фаолиятини фаоллаштириш, ҳаракатлар тизими, эҳтиёжларни қондиришга интилиш, хулқ-атвори (фаолиятни) тартибга солиш, рағбатлантириш жараёни, мукофот, мақсадга йўналтириш, оғзаки хатти-ҳаракатлар, қўйилган мақсадларга эришиш, эҳтиёжларни қондириш.

Мотивацион механизмни таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, биз аниқланган элементларни қуйидаги ички омиллар билан тўлдириш керак деб ҳисоблаймиз:

ютуқлар (оилангизни муносиб ҳаёт билан таъминлаш истаги; муваффақиятга эришиш истаги; ғалаба қозониш истаги; ижодий иш истаги; етакчилик истаги);

мафқуравий омиллар (ғояларни амалга ошириш имконияти);

ижтимоий омиллар (ижтимоий мавқеини ошириш; жамиятдаги таъсир);

шахсий ўрин (ўзини тасдиқлаш; ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, хавфдан қўрқмаслик);


жамғарма (капитални тўплаш истаги; ишонччилик истаги; мустақилликка интилиш);

ахлоқий омиллар.

Тадқиқот жараёнида ички мотивлар элементлари тўплами сифатида ҳаётда мустақилликка интилиш; мустақил равишда қарор қабул қилиш истаги; ишдан қониқиш олиш ва ўз имкониятларини рўёбга чиқариш қобилияти; ўз аҳамиятини (ўзини ўзи қадрлаш), ақлий ва жисмоний ресурсларни объектив баҳолаш ва муайян вазифани ҳал қилишда ўз ҳаракатларининг самарадорлигини (ўз-ўзини самарадорлиги) англаш, ишда ўзини англаш, ижтимоий мавқеини ошириш, иш учун муносиб ҳақ олиш ва ҳозирги ва келажакда фаровонликнинг ўсишини таъминлаш истаги каби элементлар тизимланди.

Ташқи муҳит тадбиркорлик фаолиятини яратиш ва ривожлантиришнинг мотивацион механизмини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ташқи мотивларга қуйидагилар киради: молиявий, ҳуқуқий, мулкӣ, таълим, ташкилий, ахборот, консалтинг ва услубий ёрдам.

Тадбиркорлик фаолиятини мотивлаш мураккаб жараён бўлиб, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳам турли омилларга боғлиқ бўлиб, уларга: руҳий-ахлоқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий мотивация омилларига бўлинади (3-расм).



**3-расм. Тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсир этувчи мотивациявий омилларнинг гуруҳланиши<sup>7</sup>**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади.

Ўйлаймизки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда юқорида келтирилган мотивациявий омилларнинг жорий қилиниши ва уни қўлланилиши соҳа ривожига ўзининг ижобий натижаларини беришига ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда асосий кўмак берувчи манбаа сифатида иштирок этади деб айтиш мумкин.

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг “�збекистонда тадбиркорлик фаолиятини мотивациявий омиллар таъсирида бошқаришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уни бошқаришнинг ҳозирги ҳолати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили, тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари тадқиқ этилган.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг 2017-2021 йиллардаги ҳолати (фоизда)<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2017 йилни 2021 йилга нисбатан ўсиши (-/+)
Саноат	41,2	37,4	25,8	27,9	27,0	-14,2
Қишлоқ хўжалиги	98,1	98,1	98,1	97,8	98,2	0,1
Инвестиция	34,8	34,9	44,3	50,3	56,7	21,9
Қурилиш	64,8	73,2	75,8	72,1	72,4	7,6
Савдо	88,3	86,3	85,0	81,4	89,0	0,7
Хизмат кўрсатиш	58,4	55,2	53,5	52,4	58,5	0,1
Юк ташиш	54,2	54,4	54,3	52,3	54,5	0,3
Йўловчилар ташиш	90,1	90,8	91,2	94,3	95,0	4,9
Бандлик	78,0	76,2	76,2	73,8	75,0	-3,0
Экспорт	27,0	27,2	27,0	17,6	22,3	0,3
Импорт	53,6	56,2	61,6	51,4	48,7	4,9

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, иқтисодиёт тармоқларининг қурилиш ва йўловчи ташиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши орگانлигини кўриш мумкин, фақат бандлик соҳасида ўтган йилларга нисбатан пасайишини кўриш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор юксалтириш, ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш ва бу орқали аҳолининг реал даромад манбаларини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, улар учун ишончли кафолатлар яратиш кўзда тутилган.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ривожланишининг 2017-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари<sup>9</sup>**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2021 йилни 2017 йилга нисбатан ўсиши (-/+)
Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши	%	63,4	60,4	56,5	54,2	54,9	-10,4
Кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони	Минг киши	10541,5	10128,8	10313,4	10753,3	10937,6	396,1
Иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улуши	%	78,0	76,3	76,2	73,8	77,0	-1,0
Янги ташкил этилган иш ўринлари сони	Минг ўрин	908,0	1075,1	1375,2	2300,0	2350,0	1442
Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сони	дона	12,4	13,2	13,3	15,6	16,1	4,3

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши натижасида тадбиркорлик фаолиятининг ЯИМ даги улуши 2017 йилда 63,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 54,9 фоизни ташкил этмоқда, ўсиш даражаси фарқи 10,4 фоизга пасайган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши натижасида тадбиркорликда банд бўлганлар сони ҳам йиллар мобайнида пасайиб борган. Янги ташкил этилган иш ўринлари сони ўтган 2017 йилга нисбатан 1442,4 минг кишига ортган. Тадбиркорлик фаолиятида ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган фаолият юритаётган субъектлар сонининг 2021 йил январ ҳолатига кўра 16,1 фоизни ва 2017 йилга нисбатан фарқ даражаси 4,3 фоизни ташкил этмоқда.

Тадқиқот жараёнида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш масалалари ўрганиб чиқилиб, бу борада тадбиркорлик субъектлари учун ишсиз ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор мотивацион характердаги таклифлар шаклидаги илмий янгиликлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифларнинг асосийларидан бири тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қайтариш ҳамда давлат мулкани ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз бериш ҳисобланади.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Кўрсатиб ўтилган йўналишлардан биринчиси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қайтариш 25 ёшгача бўлган ёшларни иш ўрни билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари учун қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу ёш оралиғида бўлган ёшларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги асосий мотив иш билан таъминланган ёшлар учун ҳисобланган иш ҳақи фондининг 12 фоизи миқдоридаги ижтимоий солиқ суммасининг давлат бюджетидан тадбиркорга қайтарилиши ҳисобланади. Бу жараён, бир томондан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ёшларни иш билан таъминлашга интилиши орқали ижтимоий самарани келтириб чиқарса, иккинчи томондан, тадбиркорга иш ҳақи фондига нисбатан ажратиладиган ижтимоий ажратмаларнинг маълум вақтдан сўнг қайтиши билан боғлиқ иқтисодий самара ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мотивнинг механизм сифатида шаклланишини таъминлашда айрим чегара мезонларининг қўлланилиши шарт. Бунда тадбиркор томонидан «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда, уларнинг энг камида 6 ой давомида ушбу иш ўринларида банд бўлишини кафолатлаш учун давлат бюджетидан қайтариладиган ижтимоий солиқларнинг еттинчи ойдан бошлаб қайтарилиши лозим.

### 3-жадвал


#### «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани ижарага олишда ижара майдонлари бўйича тақдим этилиши мумкин бўлган имтиёзлар<sup>10</sup>

«Ёшлар дафтари» га кирувчи банд қилинган ишчилар сони	Давлат мулки объектнинг имтиёз қўлланиладиган энг кўп майдони, м <sup>2</sup>			
	Пойтахт туманлари	Вилоят марказлари	Туман ва шаҳар марказлари	Бошқа ҳудудлар
5 га	50	75	100	125
6 дан — 9 гача	60-100	100-120	120-150	180
10 дан — 19 гача	200	240	280	300
20 ва ундан ортиқ	250	280	300	320

Амалий таклифнинг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган давлат мулкани ижарага олганда ижара тўловларидан имтиёз беришда эса имтиёзли ижара майдонининг ишга банд қилинган «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши таклиф этилади. Ушбу имтиёзни қўллашда ишсиз ёшлар сони кўп бўлган ҳудудлар бўйича табақаланувчи мезонларни қўллаш ҳудудларда айнан ёшларни иш билан таъминлаш борасидаги иқтисодий механизмларнинг мотивацион таъсирини оширади. Яъни ишсиз ёшлар сони юқори бўлган аҳоли пунктларида имтиёз қўлланиладиган майдонларнинг камроқ бўлиши ва, аксинча ҳолат «Ёшлар

<sup>10</sup> Муаллиф ишланмаси.

дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни давлат мулки объектлари ижарага олган ҳолда банд қилган тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий мотивациянинг самарадорлигини оширади (3-жадвал).



**4-расм. Тадбиркорликнинг мотивацион механизми ва тадбиркорлик салоҳияти алоқалари матрицаси<sup>11</sup>**

Таклиф этилаётган матрицада тўртта зонага ажратилади:

1-зона – “ўлик зона”. Унинг асосий стратегияси тадбиркорлик салоҳиятини ошириш ва мотивацион механизмни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

2-зона – “қулай зона”. Ушбу зонанинг стратегияси шундан иборатки, у таклиф қилинаётган услубидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар натижасида аниқланган муаммоли зоналарнинг улуши қаерда бўлишига қараб, тадбиркорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ёки мотивацион механизмни ривожлантиришга қаратилган.

3-зона – “инновация зонаси”. Ушбу зонада стратегия мотивацион механизмни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

